



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 14 декабрь, № 267 (8329)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАРУР ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ



**Президент Шавкат Мирзиёев 13 декабрь куни Тошкент шахрининг Учтепа туманидаги инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан танишди ҳамда фаоллар иштирокида йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбари дастлаб “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти тизимидаги 18-автобус саройида бўлди.

Жамоат транспорти тизими ривожлангани шаҳар ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири. Лекин Тошкент шаҳрида бу соҳа ҳозирги ўзгаришлардан орқада қолмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда кўплаб тураржойлар қурилди, аҳоли сони ошди, шаҳар ҳудуди ҳам кенгайди. Пойтахтимизда кунига 1 миллион 300 минг йўловчи жамоат транспортдан фойдаланмоқда.

Бу талабга жавоб бериш учун “Тошшаҳартрансхизмат” тизимида автобуслар чикмоқда. Борларининг ҳам кўпи эскирган. Шу сабабли йўналишларга режага нисбатан 90 — 100 та автобус кам чиқмоқда. Кўчаларда жамоат транспорти устуворлиги йўлга қўйилмаган. Буларнинг оқибатида йўловчилар ав-

тобусларни 20 — 30 дақиқача кутишига тўғри келмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ҳолатни кескин танқид қилиб, айниқса, ҳозиргидек совуқ кунларда бунга умуман йўл қўйиб бўлмастлигини таъкидлади. Шу боис кучайтирилган тартибда ишлаб, энг оғир йўналишларга қисқа муддатда қўшимча автобуслар қўйиш бўйича топширик берди.

Бунинг учун хусусий корхоналар автобуслари ҳам жалб этилади. Уларга ҳарajatларининг бир қисмини қоплаш учун давлат томонидан субсидия берилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари автобуслар қатновига қўшимча қулайликлар яратди.

Қатновлар тезкорлиги ва хизмат сифатини таъминлаш, ҳайдовчиларнинг ойлик маошларини ошириш бўйича ҳам кўрсатма берилди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида жамоат

транспортни ривожлантириш масалалари бўйича тақдирот ўтказилди. Қайд этилганидек, бу йил 277 та автобус ва электробус харид қилиниб қатновга қўйилди. Автобуслар ҳаракати ва тўловлар тизими рақамлаштирилди.

Бугунги кунда “Тошшаҳартрансхизмат” тизимида 142 та йўналиш бор. Йўловчилар оқимининг кўпайиш прогнозидан келиб чиқиб, жамоат транспортининг 167 та йўналишдан иборат янги тармоғи шакллантирилган. Бу йўналишларни таъминлаш ва Тошкент шаҳрида жамоат транспортига бўлган талабни тўлиқ қондириш учун яна 1000 та катта сизимли автобус зарур. Бу орқали автобусларнинг оралик интервалини 7 — 10 дақиқача қисқартириш мумкин.

Президент автобус саройидаги транспортларни кўздан кечирди. Ушбу корхона 22 та йўналиш бўйича кунига

74 минг йўловчига хизмат кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Тошкент иссиқлик маркази” корхонасининг Чилонзор иссиқлик марказини бориб кўрди.

Ушбу мажмуа 1969 йилда қурилган. Қозонхона 700 Гкал қувватга эга. Марказ 921 та кўп қаватли уй ва 100 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик қуввати етказиб беради.

Сўнгги кунларда об-ҳавонинг кескин совиб кетиши оқибатида газ босимининг пастлиги кузатишмоқда. Бу иситиш даражасига салбий таъсир қилмоқда.

Чилонзор иссиқлик марказида ҳам ускуна ва тармоқлар эскирган. Иссиқликни узатишда йўқотишлар бор.

Шу боис бу борадаги зарурий чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари иссиқлик ишлаб чиқаришнинг муқобил манбаларини излаш, қувурлар ва уйларида ҳароратни асраш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳри туманларига электрда ишлайдиган 2 мегаваттлик станциялар олиб келиб, қўшимча иссиқлик қувватлари яратиш таклифи маъқулланди. Бундай битта қурилма 1 минг 340 та хонадонга иссиқлик етказиб беради. Ишлаб чиқариш харажати камлиги эвазига нарх ошмайди.

Шавкат Мирзиёев кутилмаганда шу ердаги Шириш маҳалласини кириб кўрди. Аҳоли хонадонларида бўлиб, турмуш шароитлари, иссиқлик таъминоти билан қизиқди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Учтепа туманининг Найман маҳалласидаги оилавий болалар уйи билан танишди.

Мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар алоҳида эътиборга олинган. Давлат томонидан берилган имтиёзлар натижа-сида бундай болаларни ўз бағрига олаётган оилалар ортиб бормоқда. Жумладан, 131 та оилавий болалар уйлари ташкил этилиб, 808 нафар ўғил-қиз тарбияга олинган.

Учтепа туманидаги маърузчи оилавий болалар уйи ҳам шу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир. 2 қаватли бино Миллий гвардия томонидан реконструкция қилиниб, 12 та оила учун шароит яратилган. Барча хонадонлар маиший техника, мебель ва ҳўжалик жиҳозлари билан таъминланган.

Президентимиз шундай оилалардан бири — Иномжон ва Дилдора Давлатовлар хонадонидан бўлди. Улар 4 нафар етим болани ўз қарамоғига олган.

Болажонлар ўз оиласи бўлишини орзу қилгани, давлат эътибори билан бу орзуси ушалганини айтишди.

Ота-оналарнинг ўз фарзандлари ва тарбияга олинган болалар шу ердаги 238-умумтаълим мактабида таълим олади.

Мажмуада 2 та спорт зали, мини-футбол стадиони, ўйин ва воркаут майдончалари, ёзги саҳна, хиёбон ташкил этилган. Манзарали ва мева-даррахт ниҳоллари экилган. Мўъжазгина томорқада рўзгорбоп маҳсулотлар етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари ўқув ва спорт тўғрларини кириб кўрди, ёшлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманларини маҳаллабай ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Утган 11 ойда пойтахтимизда 650 та лойиҳа амалга оширилиб, 30 мингта иш ўрни яратилган. Хусусан, Учтепа туманида янги тадбиркорлик субъектлари сони 1 минг 110 тага кўпайган.

Тошкентда савдо, саноат ва хизматларни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлиги қайд этилди. Бундан тўла фойдаланиб, пойтахтни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш вазифаси белгиланди.

Президентимиз ижтимоий муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Пойтахтимизда 584 та маҳалла бор. Уларни обод қилиш, йўлларни яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари навбатдаги режалар, аҳолининг талаб-истаклари юзасидан маҳалла раислари билан суҳбатлашди.

Шулардан келиб чиқиб, 44 та ижтимоий объектни таъмирлаш, болалар боғчаси, поликлиника, истироҳат боғи ташкил этиш чоралари белгиланди.

Тошкент шаҳридаги 12 та иссиқлик марказининг барчаси 1968 — 1986 йилларда қурилган бўлиб, ускуналари эскирган. Шу боис, улардан 9 таси негизда иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи замонавий марказлар ташкил этилади. Натижада пойтахтимизда ҳар йили қўшимча 3 миллиард киловатт-соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Янги йил байрами арафасида бозорларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Иқро АБВАЛБЕКОВ,  
ЎЗА МУХБИРЛАРИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИ ОММАЛАШТИРИШГА КЕЛИШИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева “БМТ-аёллар” қўмитасининг вакили Улзийсурен Жамсран билан учрашди.

### Мулоқот

Унда Ўзбекистон ва “БМТ-аёллар” қўмитаси ўртасида алоқаларни чуқурлаштириш, хусусан, бу ташкилотнинг мамлакатимиздаги фаолиятини кучайтириш, келгусида унинг гендер тенгликни таъминлашга қаратилган илгор тажриба марказини юртимизда ташкил этиш ва бошқа истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Сенат Раиси Т. Норбоева кейинги йилларда хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш борасида Ўзбекистонда тизимли ишлар амалга оширишга қаратилган илгор тажриба марказини ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ушбу марказ Ўзбекистон тажрибасини халқаро миқёсда илгари суришга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Мулоқотда шу каби фикрлардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳрида илгор тажриба марказини ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ушбу марказ Ўзбекистон тажрибасини халқаро миқёсда илгари суришга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

«Халқ сўзи».

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ ИФОДАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари қизғин ва муфассал кўриб чиқилди. Муҳокамада ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётимизда нечоғли аҳамиятга эгаллигига, заруратига, жумладан, уларда инсон манфаатлари устуворлигига эътибор қаратилди.

### Тиббиёт ходимлари ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси

Депутатлар дастлаб “Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилгани учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар

киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонунчиликда хизмат вазифасини бажариб турган тиббиёт ходимига нисбатан турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик, тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятига тўсқинлик қилгани учун тўғридан-тўғри жавобгарлик белгиланмаган.

### Форум

## Тошкент МДХ зиёлиларининг юбилей анжуманига мезбонлик қилди

Пойтахтимизда 12-13 декабрь кунлари бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижодий ва илмий зиёлиларининг XV форуми ўз ишини яқунлади. “Гуманитар ҳамкорлик: ўттиз йиллик тажриба ва ривожланиш истиқболлари” мавзусида ўтказилган жорий йилги форумда мамлакатимиз ҳамда МДХ республикаларининг 200 нафардан зиёд фан, таълим, маданият ва санъат соҳалари фаоллари қатнашди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар кўлами барча иштирокчиларнинг ҳамкорликка ва ҳамжиҳатликка бўлган қатъий ишонч ва интилишини яққол намоён этди. Форум Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳар йили

ўтказиладиган энг йирик гуманитар тадбир бўлиб, унда ўтган йил яқунлари сарҳисоб қилинади. Қўшма ҳаракатлар режалари муҳокама этилади, фан, таълим, маданият, ахборот, туризм, спорт, ёшлар билан

ишлаш соҳаларида ҳамкорликнинг энг долзарб масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Бу галги анжуманда ҳам айтиш зарур бўлган ўз аксини топди.

## Франция — Ўзбекистон форуми:

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон — Франция биргаликда кўплаб соҳаларда ижобий натижаларга эришмоқда. Айниқса, ўзаро ришталарда маданий-гуманитар, ижтимоий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Таълим ва фан, жумладан, Ўзбекистоннинг ўқув даргоҳларида француз тили ва адабиётини ўрганиш борасида Франция билан алоқалар муваффақиятли ривожланаётгани кузатишмоқда.

### Биз ва жаҳон

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 21-22 ноябрь кунлари Францияга расмий ташрифи ўзаро шериклини янги босқичга олиб чиқди. Ушбу ташриф доирасида икки давлат раҳбарлари Парижда иккинчи Ўзбекистон — Франция таълим форумининг ўтказилишини маъқуллади. Қолаверса, француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга,

таълим соҳасида истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга доир келишувларга эришилди.

2022 йил 28 — 30 ноябрь кунлари Парижда Франция — Ўзбекистон университетлари II форуми бўлиб ўтди. Ушбу форумда юртимизнинг бир гуруҳ олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди. Хусусан, халқаро анжуманда Франция томонидан 152 та ва Ўзбекистон томонидан 20 та олий таълим муассасаси раҳбарлари, шунингдек, вазирлик ва идоралар масъуллари қатнашди.

Учрашув

Давлатлараро жамғарма ва маданий-гуманитар алоқалар

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижодий ва илмий зйёлиларнинг XV форумида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган МДХ давлатларининг гуманитар ҳамкорлик бўйича давлатлараро жамғармаси бошқаруви раиси, Озарбайжон Республикасининг Россия Федерациясидаги Факултетада ва мухтор элчиси Пўлад Булбул ўғли бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, МДХ жамғармаси 2006 йил 25 майдаги Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон томонидан имзоланган битимга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, давлатлараро нотижорат ташкилот ҳисобланади.

Учрашувда Ўзбекистоннинг мазкур жамғарма билан ҳамкорлик истиқболлари, хусусан, маданият, фан, таълим ва бошқа гуманитар соҳаларда кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, мазкур йўналишдаги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Сенат Раиси Т. Норбоева халқароимиз манфаатлари йўлида маданий-гуманитар ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун МДХ давлатлараро тўзимлари, бичини наватда, Давлатлараро тўзимлари, бичини наватда, Давлатлараро тўзимлари имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Жамғарма бошқаруви раиси П. Булбул ўғли Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга тўхталиб, таширф давомида барча соҳада, жумладан, маданий-гуманитар йўналишда кескин ўзгаришларга ғувоҳ бўлгани, бу албатта, Президент Шавкат Мирзиёевнинг илм-фан, маданият ва ёшлар масалаларига катта эътибор бераётганидан даллат эканини алоҳида қайд этди.

Сўхбат чоғида МДХ аъзо мамлакатлари академик доиралари ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Анжуман

Афғон муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган ноёб формат

Авал хабар берганимиздек, яқинда Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Ашхобод шаҳрида Туркменистон бетафронтининг 27 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Мулқот — тинчлик гарови” мавзусидаги халқаро конференция ишида иштирок этди.

Тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган тузилмалари, Туркий давлатлар ташкилоти, Европа Иттифоқи каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда хоржий давлатларнинг дипломатик корпуслари ва халқаро ташкилотларнинг Ашхободдаги ваколатхоналари раҳбарлари қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққан БМТ Бош қотибдиган Афронстон бўйича махсус вакили ўринбосари, БМТнинг Афғонистонга ёрдам қўриштириш миссияси раҳбари Маркус Потцелнинг сўзларига қўра, афғон заминда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, умумийлиги келишувга эришиш, инклюзив сиёсий жараёнинг таъминлигани Афғонистон билан мулоқотни давом эттириш зарурлигини таъкидлади.

Шу нуктага назардан, БМТ вакили Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 13 октябрда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч қоралари бўйича кенгашири И саммити доирасида илгари сурган Афғонистон бўйича халқаро музокаралар гуруҳини тузиш ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни билдириди. Маркус Потцелнинг таъкидлашича, ушбу ноёб формат афғон муаммолари бўйича глобал микёсда кенг келишувга эришиш ва Афғонистон муваққат ҳукмати билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ ИФОДАСИ

Бу каби омилар эса амалиётда турли муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ушбу ҳужжатда тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўққинлик қилиш билан боғлиқ ҳолатларда жавобгарлик, мазкур ишнинг тааллуқлилиги ва уни кўриб чиқиш мuddатлари ўз аксини топмоқда. Хусусан, тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўққинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш учун маъмурий жавобгарлик фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жазима солишга ёки ўн беш суткага мuddатта маъмурий қамоққа олиш белгиланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тиббиёт ходимлари ҳуқуқлари ҳимоясига ва уларнинг касбий фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олиш, фуқароларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига хизмат қилади.

Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди.

Наркологик касалликлар профилактикаси бўйича қандай нормалар белгиланмоқда?

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган наватбадаги ҳужжат — “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, фуқаролар ҳавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид солаётган ёхуд жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш, психосоциал моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатларининг барвақт олдини олишда ички ишлар органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш мақсадида қонун лойиҳаси билан наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни ички ишлар органларининг ташаббуси билан ҳам расмийлаштириш белгиланмоқда.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши наркологик касалликка чалинган шахсни ички ишлар органлари ходимларининг ҳам ташаббусига қўра, мажбурий даволашга йўналтириш, тиббиёт муассасасига йўналтиришга қўра, таъминлаш материалларини тарқоқ ҳолда эмас, балки марказлашган ҳолда тиббиёт муассасаларидан олиш, шунингдек, суд мажлисларининг видеоқонференция алоқа режимида ҳам кўриб чиқиши шакли орқали шахсни даволашни учун юборишга қўра бўлган вақтни қисқартиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Сарсонгарчиликларнинг олди олинади

“Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Айтиб ўтилганидек, Олий судда иш ҳажмининг ортиб кетиши натижасида айрим ҳолларда ишларни кўриш мuddатлари бузилишига ҳамда судьяларнинг иш сифати ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 2021 йилда Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳаёти судьясининг бир олий ўртанча иш ҳажми 89 тани ташкил қилган. Бунинг оқибатида шикоятдаги вақтлар ҳар тарафлама текширилмай, иш бўйича якуний қарор қабул этилмаган, суд қарори бекор қилиниб, қўйи судларга юбориш ҳолатлари кўпайган. Шу билан бирга, апелляция тартибиде қўрилмаган ишларнинг келгусида қассация инстанциясида кўриб бўлмагани ҳақидаги қонун талаблари фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бу каби омилар эса соҳани ислох этиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Лойиҳада белгиланаётган нормалар судларнинг масъулиятини ошириб, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилиши, суд қарорларини қайта кўришда вилот ва унга тенглаштирилган судлар имкониятидан кенгроқ фойдаланишга, ортиқча сарсонгарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мақтабгача таълим: қамров даражаси ошади

Мажлисда “Мақтабгача таълим ташкилотлари тармоғи кенгайтирилиши ҳамда соҳада нодавлат сектор улушининг оширилиши муносабати билан “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Таъкидланганидек, оилавий нодавлат мақтабгача таълим ташкилотларида кўпи билан йигирма беш нафар мақтабгача бўлган ёшдаги болаларнинг таълим ва тарбия олишига йўл қўйилиши белгиланган болаларнинг мақтабгача таълим ва тарбия билан қамраб олинишини кўпайтиришга тўққинлик қилинати.

Ушбу ҳужжат билан “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонунга оилавий нодавлат мақтабгача таълим ташкилотларига таълим ва тарбия бериш учун қабул қилинадиган болалар сонини элик нафаргача кўпайтиришга қаратилган ўзгаришлар киритилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши оилавий нодавлат мақтабгача таълим ташкилотлари фаолияти янада кенгайтирилишига ҳамда болаларни мақтабгача таълим ва тарбия билан қамраб олиш даражасини оширишга амин яратлади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Тупроқ унумдорлиги ва уни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда

“Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаи ҳам қизгин кеңди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тупроқ унумдорлигини ошириш, уни муҳофаза қилиш қонун билан тартибга солилмагани туфайли кўплаб салбий ҳолатлар юзага келмоқда.

Қонун лойиҳасида тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза, тупроқларнинг ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, масъул вазирилик ва идораларнинг ваколатлари, ерларни рекултивация қилиш, тупроқ ҳолати ва сифати таъсир этувчи лойиҳалар, воситалар ва технологияларни давлат экспертизасидан ўтказиш масалалари ўз аксини топган.

Шу билан бирга, ҳужжатда жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг қўриқовчилик ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида тупроқ сифати ёки унумдорлигининг пасайиши натижасида етказилган зарарни қоплаш масалалари ҳам белгиланяпти.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Бюджет маблағларидан оқилана фойдаланилиши лозим

“Давлат боқини ундириш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан “Давлат боқи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси эса биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қўриқиб ўтилганидек, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси давлат муассасаси шаклидаги давлат мақсадли жамғармаси ҳисобланади. Жамғарма маблағлари, асосан, Давлат бюджетининг ҳар йилги тасдиқланадиган ажратилар доирасидаги маблағларидан шакллантирилади. Утган даврда жамғарма томонидан судларга мувожаз қилишда 2 248 824 670 сўм давлат боқи тўланган. Бугунги кунга қадар умумий тўланган давлат боқинининг 1 253 564 847 сўм қисми жамғармага қайтарилгани қийинчиликлар вужудга келган.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан “Давлат боқи тўғрисида”ги Қонун-кибида маълум миқдорда олтин қорлари. Бу янги технологияни қўллаш асосида Учқуддаги гидрметаллургия заводида ҳозирги кунда йилга маъдан чинқиндлардан қўшимча 1,5 тонна олтин олиниши мумкин.

“НКМК” АЖда бу каби янги технологияларни яратиш, самарали тақлифларни амалиётда қўллаш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Корхонамизнинг бир гуруҳ олим мухтаассислари Давлат мукофотига лойиқ қўрилгани, шунингдек, жомоисини учун янги-янги марраларга қанот бўлиб, сафимизга қўшилиётган ёшларни илмий изланишларга рағбатлантиради.

Наим КАРИМОВ, академик, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси:

— Рағбат инсонни руҳлантиради, қучиға қуч қўшади. Киши қадрланган жойда ўзини бахтли ҳис қилади. Шурқки, ана шу саодатни қўллаб юртдошларимиз қатори мен ҳам қис этиб турибман. Президентимиз Фармони билан менга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони, шунингдек, адабиёт соҳасида биринчи



нинг 8, 9, 10-моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида келгусида жамғарма маблағлари ортиқча ҳаражатларга сарфланганининг олди олинади. Энг муҳими, бюджет тизимлари маблағларидан оқилана фойдаланилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинди. Ҳужжатдаги айрим нормаларни янада такомиллаштириш бўйича кўплаб тақлифлар берилди.

Баҳс-мунозалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Ҳужжат лойиҳаси билан солиқ имтиёзлари бериляпти

Мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда қўрилиш, саноят ишлаб чиқариш ва урбанизация қўламининг кескин кенгайиши, аҳоли пунктларига экология билан боғлиқ ҳолатлар таъсирининг ошиши ҳамда маиший чинқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун аҳолининг тўлов интимиози паст даражада эканлиги санитар тозалаш корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча қоралар кўриш заруратини юзага келтирмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексида тегишли қўшимчалар киритиш орқали чинқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланадиган солиқ тўловчиларга айрим солиқ имтиёзларини бериш тақлиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши санитар тозалаш корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларда узок мuddатли инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини рағбатлантириш ҳамда маиший чинқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларини самарали ташкил этилишини таъминлайди.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Депутатлар эътирозларига нима сабаб бўлди?

Мажлисда, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузаси кўриб чиқилди.

Қўриқиб ўтилганидек, коррупцион омиларга чек қўйишга қаратилган тизимли ислохотлар туфайли Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши ва унинг худудий кенгашлари ташкил қилинди. Коррупциявий ҳавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ва тармоқларда (капитал қўрилиш, олий таълим, соғлиқни сақлаш ва давлат харидлари тизимларида) “Коррупциясиз соҳа” ва “Коррупциясиз худуд” каби лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мажлисда Ўзбекистоннинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ишлари яқинда етказилмагани эса депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди.

Халқ вакиллари агентлик томонидан коррупцияга оид, биринчи наватда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имижига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш на-

тиҳаларини комплекс таҳлилдан ўтказиш, бюджет маблағларининг сарфланishi, давлат активларининг реализацияси, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши билан боғлиқ материалларни ўрганиш, ижро ҳокимияти ва ҳўжалар бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорлари қонунийлиги юзасидан ўтказилаётган назорат самардорлигини ошириш бўйича тақлиф ва таъсиялар беришиди.

Мажлисда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузаси маълумот учун қабул қилинди.

2023 йилда 57 та ноёб маданий мерос объекти таъмирланади

Депутатлар мажлисда “Маданий мерос объектилар ҳисобини юритиш, сақлаш ва ҳимоясини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазири А. Абдухамидовнинг жавобини кўриб чиқди.

Жавобда қайд этилганидек, сўнгги йилларда маданий мерос объектиларини сақлаш ва мудофаза қилиш мақсадида уларни илмий асосланган тадқиқотлар бўйича амалга оширишнинг янги механизми яратилди ҳамда объектиларни реставрация ва консервациялаш ишлари изчил амалга оширилиши таъминланмоқда.

2023 йилда республикамиздаги 57 та ноёб маданий мерос объектини таъмирлаш, жумладан, Самарқанд шаҳридаги Бибиҳоним, Қашқадарё вилотидаги Лангар ота каби маданий мерос объектиларини ЮНЕСКО, ИКОМОС, АЙСЕКО каби ташкилотлардан тажрибали хоржий мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда амалга ошириш, ушбу ишларга 100 млрд сўмдан зиёд маблағ йўналтириш қўзда тутилган. Шунингдек, Далварзинтепа (Сурхондарё), Мингтепа (Анджон), Чилонзор отқепаси (Тошкент шаҳри), Шероқалъа (Самарқанд), Қўйрилган қалъа (Қорақалпоғистон Республикаси) каби йирик археология ёдгорликларини илмий тадқиқ этиш ва музейлаштириш ишлари олиб борилиши режалаштирилмоқда.

Қолаверса, моддий маданий мерос объектиларидан оқилана фойдаланиш бўйича қилинаётган чора-тадбирлар ҳам салмоқли. Хусусан, ўтаётган икки йилда 12 та моддий маданий мерос объекти музейлаштирилди, 3 объектда арт-резиденциялар ташкил қилинди.

Мажлисда депутатлар парламент сўровига юборилган жавобни атрофлича муҳокама этиб, уни маълумот учун қабул қилди.

«Ярашув институти»ни қўллаш самараси

Депутатлар “Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилинган оид қонундаги нормаларнинг ижроси юзасидан” юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига ички ишлар вазири П. Баженовнинг жавобини кўриб чиқди.

Вазирик маълумотларига қараганда, ўтган даврда юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” гоиси асосида тўдан қайта кўриб чиқилди. Шунингдек, ўтган бир йил давомида ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида қабул қилинган ҳамма 45 017 та қарордан 13 таси ёки 0,03 фоизи судлар томонидан бекор қили-

ниб, ҳуқуқбузарга нисбатан жарима жазоси қўлланган.

Шунингдек, вазириликнинг тегишли буйруғига асосан, ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ҳамда йўл ҳаракати ҳавфсизлиги хизмати ходимларига ярашувга доир маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш амалиёти жорий этилган.

Эътиборлиси, ўтган даврда ички ишлар органлари тизимида маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнида “Ярашув институти”ни қўллаш билан боғлиқ барча ҳолатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилмаган ҳамда бунга доир муурожаатлар фуқаролардан келиб тўшмаган.

Мажлисда депутатлар парламент сўровига юборилган жавобни маълумот учун қабул қилди.

Вазирга парламент сўрови юборилди

Мамлакатимизда махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш, уларни ривожлантириш, шунингдек, хоржий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларга қўра, махсус иқтисодий, кичик санаот зоналари, ёшлар санаот ва тадбиркорлик зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хоржий ҳамда маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини таъши муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирлари учун 1 500,0 млрд. сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағларнинг объеклар кесимида манзилли дастури тасдиқланган бўлса-да, лекин жорий йилнинг 9 ойи якунига қўра ажратилган маблағларнинг 540,5 млрд. сўми ўзлаштирилган ҳолос.

Шунингдек, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгаза таъмирот” АЖ, “Ўзсувтаъмирот” АЖ ҳамда Транспорт вазириликнинг Худуддаги Автомобил йўллари қўмитаси томонидан махсус иқтисодий зоналардаги объектиларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер сарфларига яқунланмагани сабабли ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмай қолган.

Шу билан бирга, махсус иқтисодий ва кичик санаот зоналарининг муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 320 млрд. сўм маблағ ажратилганга қарамай, ушбу маблағ ўз вақтида ўзлаштирилмаган.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. Қўчқоровга “Махсус иқтисодий ва кичик санаот зоналарини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва улардаги мавжуд муаммоларни бартаф этиш борасида қўрилаётган чоралар тўғрисида”ги масала юзасидан Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

19,5 трлн. сўмлик санаот маҳсулотлари

Бугунги кунда республикамиздаги 19 та махсус иқтисодий зонада 490 та корхона фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг ўтган ўқиш ойида махсус иқтисодий зоналар томонидан 19,5 трлн. сўмлик санаот маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу жами республика санаот маҳсулотларининг 5 фоизини, умумий экспорт қилинган санаот маҳсулотларининг эса 10 фоизини ташкил этган.

Махсус иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи корхоналар томонидан асосий капиталга 2,5 трлн. сўм инвестициялар киритилган бўлиб, бу иқтисодий тизимда жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 1,3 фоизига тенгдир. Бу эса инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ички ва ташқи молиявий ресурслардан етарли даражада фойдаланилмаётганини кўрсатади.

Шунингдек, махсус иқтисодий ва кичик санаот зоналарининг муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун Давлат бюджетидан 320 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлишига қарамай, ушбу маблағлар ўз вақтида ўзлаштирилмаган.



# ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ — ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА



Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат хизмати фаолиятини самарали йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларини малакали мутахассислар билан таъминлаш, кадрлар малакасининг юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга мувофиқлигига эришиш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтиришнинг замонавий тизимини яратиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.



чилар учун қатъий тартибда интизомий жавобгарлик шартлари алоҳида белгилаб қўйилган. Бу давлат фуқаролик хизматчисининг масъулиятини янада кучайтиришга туртки беради.

### Натижадорлик — бош талаб ҳамда асосий мезон

Таъкидлаш жоизки, эндиликда давлат органларида ходимларга рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллашда баҳолашнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (ЭМСК) жорий этилиши муҳим иқтисодий ва ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматида ЭМСК давлат органларининг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун олиб бораётган узулксиз фаолияти давомида ташкилот раҳбари ҳамда унинг жамоасининг, қолаверса, ҳар бир аъзоси томонидан ўзига юклатилган вазифаларни қай даражада бажараётганини баҳолаш, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг рақамларда ёки иқтисодий кўрсаткичларда акс эттирилишидир.

ЭМСК халқаро амалиётда ўзини оқлаган тизим ҳисобланади. Давлат фуқаролик хизматида ходимлар фаолиятини баҳолашнинг ЭМСК жорий этилиши ушбу хизматнинг ўзига хос жиҳатларидан бири бўлиб, давлат органларида фаолият натижадорлигини таъминлашда барча ходимни ягона мақсад сари йўналтирувчи куч — ташкилий бошқариш инструменти бўлиб хизмат қилади.

Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Натижадорлик ҳаммамиз учун бош талаб, асосий мезонга айланмоқда”**.

Шу нукта назардан, ЭМСКнинг давлат фуқаролик хизматида жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Давлат органларида ходимларни лавозимда ўстириш, уларнинг алоҳида сифатларини аниқлаш ва мартаба даражаларини бериш, ташкилот ривожига қўшаётган алоҳида ҳиссасини

Мухтасар айтганда, бугунги кунда давлат фуқаролик хизматида кадрларни танлаш, саралаш, уларни жой-жайига қўйиш, умуман олганда, инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқаришда олиб борилаётган қўладор ислохотлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим омил, ўзига хос ўсиш драйвери бўлиб хизмат қилади.

Абдулла АБДИЕВ,  
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги етакчи инспектори.

## Кўргазма

### ЎЗБЕК ВА ҚИРГИЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ МАЪНАВИЯТ КЎПРИГИ

Тошкент фотосуратлар уйида Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази томонидан “Чингиз Айтматов — ўзбек ва қирғиз халқларининг маънавият кўприги” мавзуда фотокўргазма очилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан қардош, бир-бирига елкадош бўлиб яшаб келаятигани, асрлар синонимдан ўтган бундай дўстлик алоқалари кейинги йилларда янада мустаҳкамланиб, янгича мазмун ва руҳ билан бойиб бораётгани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги алоқалар тарихида янги давр бошланган бугунги кунда улуг сўз санъаткори Чингиз Айтматовнинг ўлмас бадиий мероси янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ижодкорнинг беназир шахси, дилбар асарлари ўзбек ва қирғиз халқларини янада жиқлаштириб, ўзига хос маънавият кўпригига айланган.

Мамлакатимизда мутафаккир адибнинг ноёб адабий меросини кенг тарғиб этиш, унинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилган.

Тадбирда Чингиз Айтматов асарларида умуминсоний тушунчалар, дунё халқларини аҳил-иноқ умргузаронлик қилишига ундаш гоёлари кенг таранғим этилгани эътироф қилинди. Адибнинг давлат ва жамоат арбоби, моҳир дипломат, жонқуяр публицист сифатидаги фаолиятига юксак баҳо берилди.

Фотокўргазмадан Чингиз Айтматовнинг ана шундай беқўёс қирралари, фазилатлари, ибратли ҳаёт йўли акс этган суратлар ўрин олган.

Тадбирда қирғиз халқ оғзаки ижоди намунаси — “Манас” эпосидан парча ижро этилди.

«Халқ сўзи».

## РЕКЛАМА

### «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЯНГИ ТАРИФЛАРНИ АМАЛГА КИРИТМОҚДА

#### Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг келишувига асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб универсал почта хизматларига белгиланган тарифлар амалга киритилмоқда.

20 граммгача бўлган почта жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жўнатиш учун қуйидаги тарифлар ўрнатилган:

- оддий хат-хабар — 1 900 сўм;
- оддий бандероль — 1 900 сўм;
- оддий майда пакет (100 граммгача) — 2 250 сўм.

Универсал почта хизматларига белгиланган тарифларнинг тўлиқ рўйхати барча почта алоқаси корхоналари ва бўлимларида ҳамда [www.uz.post](http://www.uz.post) сайтида мавжуд.

Почта хизматларидан фойдаланинг!

## Нукта назар

Давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш мақсадида соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Чунки яқин-яқингача давлат органлари ва ташкилотларида давлат фуқаролик хизматида номзодларни очик мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солувчи, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самардорлиги ва компетенциясини баҳолашни мезонларини, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгиловчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга, ягона қонун мавжуд эмас эди.

Қолаверса, соҳада ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб боришга, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришга, малакали миллий кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришга имкон яратмаган.

Натижада давлат фуқаролик хизматидаги киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланишини ҳамда давлат фуқаролик хизматида профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришни таъминлайдиган номзодларни саралаб олишнинг шаффоф механизми шакллантирилмаган.

Бугунги кунга қадар вақант лавозимларни мутахассислар билан тўлдирish ташкилотларнинг кадр бўлими масъул ходимлари томонидан бир неча номзодларнинг шахсий маълумотномаларини йиғиш, уларни ўрганиб чиқиш ва саралаш орқали муайян номзодларни яқка тарзда ўтказиладиган сўхбатга жалб қилган ҳолда ташкил этиб келинар эди.

Бунинг натижасида баъзи ҳолларда мавжуд вақансия учун етарлича номзодлар базаси шакллантирилмагани боис номутахассис кадрлар ёки бошқа соҳа вақиллари лавозимга тайинланарди. Қолаверса, ходимларни

танлаш коллегиал тартибда эмас, аксарият ҳолларда бир кишининг, жумладан, кадр бўлими масъул ходими ёки ташкилот раҳбарининг мултга ваколатига айланиб қолган. Бу эса давлат фуқаролик хизматида самарадорлигини таъминлаш, инсон ресурсларини бошқариш, муносиб кадрларни танлаш ва жой-жайига қўйиш ишларининг сифатига ўз таъсирини кўрсатиши табиий.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу ҳужжат мамлакатимизда кадрлар соҳасидаги ислохотларда туб бурилиш — трансформация жараёнини бошлаб берди. Ҳозирги кунда мазкур қонун билан давлат органлари ва ташкилотларидаги давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тўла тартибга солинмоқда. Давлат фуқаролик хизматининг вақант лавозимларига ишга кириш тартиби аниқ белгилаб қўйилди.

Эндиликда давлат тилини биладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларида вақант лавозимларини эгаллаши мумкин. Бунда номзодлар дастлаб лавозимларга қўйилган малакавий талабларга мувофиқ сараланади ва белгиланган тартибда танлов ўтказиш йўли билан қўлиб аниқланади. Танлов комиссиясининг таъясига мувофиқ мувофиқ тайинланади.

### Соҳа жозибдорлиги ошмоқда

Янги тизимнинг жорий этилиши билан давлат органларида ходимларни лавозимга тайинлашда ташкилот раҳбари ёки кадр хизмати масъул ходими мултга ваколатли шахс эмаслиги, тайинлаш босқичига қадар очик мустақил танлов ўтказилиши ҳамда танлов қолиби коллегиал тартибда

комиссия аъзоларининг шаффоф ва мустақил баҳолаш натижаларига мувофиқ аниқланиши тартиби йўлга қўйилмоқда.

Давлат фуқаролик хизмати эндиликда барчамизнинг кўз ўнгимизда бир қатор масалалар, баъзан эса ечимсиз деб ҳисобланган муаммоларга болганган, эътибор тортмай диган соҳа эмас, балки ҳар бир лавозим муносиб кадрлар билан тўлдирилмаган, етарлича малакага, зарур билим ва қўникмаларга эга ходимлар фаолият кўрсатадиган нуфузли тизимга айланиб бормоқда.

Қонунга мувофиқ, давлат фуқаролик хизматчиларига муносиб меҳнат шароити, лавозим-мартаба даражаларига эга бўлиш, меҳнатга ҳақ тўлашда алоҳида хизматларини ҳисобга олиш — рағбатлантириш механизми, лавозимда ўсиш, давлат томонидан ҳамда мустақил равишда (онлайн курсларда) доимий малакасини ошириб бориш тизими, соғлигини тиклаш ҳамда давлат ижтимоий ҳимоясига эга бўлиш каби имкониятлар яратилиши белгиланган. Бу эса давлат фуқаролик хизматининг жозибдорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Албатта, намунали хизмат эътироф этилиши билан бир қаторда давлат фуқаролик хизматчисининг ўзига яраша мажбуриятлари ҳам мавжуд. Улар ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид аҳборот билан ишлаш тартибига, шунингдек, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймайлиги, бегараз ва холис бўлиши талаб қилинади.

Зарур ҳолларда давлат фуқаролик хизматчиларининг муносиб тарздаги хатти-ҳаракати (харакатсизлиги) давлат органида ташкил этилган одоб-ахлоқ комиссияси томонидан ўрганилиши, шу каби хизмат-

# Молия муассасаларида МАҚСАД — МИЖОЗЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ

Мамлакатимизда банк тизимини трансформация қилишда ихтисослашувдан универсаллаштиришга ўтиш жараёни чуқурлаштирилди, соҳага оид барча операциялар, миждозлар билан муносабатлар ҳақон банк ҳамжамиятида амалда бўлган тамойилларга мослаштирилди. Жумладан, банк тармоқларини мувофиқлаштириш ишлари ҳам.



Бу борада «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ тизимида олиб борилаётган ишлар хусусида Банк махсусотларини сотиш ва тармоқларни мувофиқлаштириш департаменти директори Алишер Камолов бизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Трансформация жараёнида тижорат банкида олдига халқимиз учун бугунги шиддатли даврга мос ва хос шароит яратиш вазифаси қўйилди. Инфратузилмаларни ислоҳ қилиш борасида янгича ёндашувлар белгиланди, — дейди А. Камолов. — Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоғлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2020 йил 12 майдаги «2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, 2019 йил 23 июлда давлатимиз раҳбари раислигида кичик бизнес ва тадбиркорликни янада

ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш, барча аҳоли пунктларида бир хил шароитдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш ҳамда универсал хизмат кўрсатиш нукталари тармоғини ривожлантириш юзасидан топшириқлар берилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ тизимида халқаро экспертлар кўмағида олиб борилаётган кенг кўламли трансформация жараёнида, асосан, мазкур вазифаларга эътибор қаратилди.

Бевосита банк тармоқларини мувофиқлаштиришда илҳам банк хизматлари марказларини кўпайтириш, мавжуд тармоқларни илгор халқаро тажрибалир асосида иш юритиладиган, рақобатбардор муассасага айлантириш, миждозлар ва аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш каби ишлар амалга оширилди.

Бунда тармоқлар фронт-офис ва бек-офисларга ажратилди. Бевосита миждоз-

ларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган фронт-офис тузилмалари банк махсусотлари, хизматлари ҳамда миждозлар сегментини инобатга олган ҳолда 5 тоифага бўлиб ташкил этилди.

Жумладан, биринчи тоифа «**Бизнес класс**» расмий тарзда Банк хизматлари офиси деб номланади. Бундай тармоқларда жисмоний ва юридик шахслар учун барча турдаги хизматлар кўрсатилади. Шунинг учун улар аҳоли зич жойлашган шаҳарлар марказида ҳамда саноатлашган ҳудудларда йўлга қўйилди.

Иккинчи «**Стандарт класс**» тоифасидаги тармоқлар — илҳам Банк хизматлари марказлари ҳисобланади. У ерда жисмоний ва юридик шахсларга чекланган банк

хизматлари тақдим этилишига қарамай, самарадорлик аҳоли учун ҳам, банк учун ҳам бирдек юқори бўлмоқда.

Навбатдаги «**Оптимум класс**» тармоқлари орқали эса ёки жисмоний ёки юридик шахсларга чекланган банк хизматларини кўрсатиш қўзда тутилган. Уларнинг у ёки бу мақомдаги миждозга мўлжаллангани ўша офис жойлашган ҳудуд дислокациясига қарата белгиланмоқда. Яъни аҳоли гавжум жойда жойлашган бундай офисларимиз нафақат жисмоний шахсларга, аксинча, муайян йирик савдо мажмуаси тарихида ташкил этилганлари тадбиркорларга хизмат кўрсатади.

Тўртинчи тоифадаги «**Фаст класс**» офислари банк корпоратив миждозлари

бўлими йирик корхоналар қришида очилган. Улар коммунал ва бир марталик тўловларни қабул қилувчи ихтисослаштирилган кассалар саналади.

Сўнгги тоифадан **24/7** режимида ишловчи шохобчалар ўрин олган. «**Селф сервис класс**» деб номланувчи ушбу офислар ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи қўналар билан жиҳозланиб, зулуксиз — туну кун ишлаши билан халқимизга ҳар томонлама қулайлик туғдирмоқда.

Шунингдек, тармоқларни жиҳозлаш ва хизмат кўрсатишни ташкил қилишда ҳам янги стандартларга таянилади. Ҳар бирида банк бренди чуқур акс эттирилган, миждозларга хизмат кўрсатувчи менежерларимиз учун алоҳида дресс-код жорий қилинган, навбатларни тартибга солувчи ҳамда банк хизматларидан онлайн фойдаланиш имконини берувчи (сенсорли тақсирин) электрон ускуналар ўрнатилган, навбатсиз хизмат кўрсатувчи «яшил йўл»лар очилган. Пировард мақсадимиз — миждозларга максимал даражада қулайлик яратиш, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишдан иборатдир.

Бугунги кунда тармоқларимиз ҳолатига тўхталиб, 91 та Банк хизматлари офиси ва Банк хизматлари маркази, 35 та чакана амалиётлар кассаси (Оптимум ва Фаст классдагилар), 103 та 24/7 режимида ишловчи шохоба мавжудлигини қайд этиш лозим.

Тармоқлар — банкнинг асосий сотув каналлари. Улар географик жиҳатдан қанчалик кенг бўлса, фаолияти самарали олиб



борилса, муассаса мавқеи қафолати юқори бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, зиммамизда жуда катта масъулият бор. Режа тузишда ҳақон ва миллий молия бозори тенденциялари, кун сайин янгиланаётган банк технологиялари ҳамда миждозларимиз хоҳиш-истакларини ҳисобга олиб тинимсиз изланамиз.

Ўқин иштиёболда юқори технологияларга асосланган «смарт офис»ларни ташкил қилиш, тармоқларни трансформациянинг янги модели талаблари бўйича жиҳозлаш ва таъмирлаш ҳамда замонавий банк хизматлари марказлари доирасини янада кенгайтириш ниятидаммиз.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 13 755 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлбў олиш учун QR-коднинг телефонидаги орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.50 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.